

*(Мазкур ҳужжат рус тилида қабул қилинган ва ўзбек тилига таржима қилинган. Рус ва ўзбек тилларидаги матнлар ўртасида номуносиблик юзага келган тақдирда ҳужжатнинг рус тилидаги таҳриридан фойдаланилади.)*



**“Ўзбекистон республика товар-хом ашё  
биржаси” акциядорлик жамияти  
Акциядорлар умумий йиғилишининг  
2024 йил 8 октябрдаги қарори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН  
(8.10.2024 йилдаги йиғилиш баённомаси)**

**“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ТОВАР-ХОМ АШЁ  
БИРЖАСИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ  
ДИВИДЕНД СИЁСАТИ ТЎҒРИСИДАГИ  
НИЗОМИ  
(янги таҳрирда)**

**Тошкент-2024**

# **“ЎзРТХБ” АЖнинг Дивиденд сиёсати тўғрисидаги Низоми**

## **Мундарижа**

1.	Умумий қоидалар .....	2
2.	Акциядорларга дивидендлар тўлашнинг асосий шартлари .....	2
3.	Дивидендлар миқдорини аниқлаш .....	3
4.	Дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилиш тартиби .....	3
5.	Дивидендларни тўлаш тартиби ва муддатлари .....	4
6.	Дивиденд сиёсати бўйича акциядорларни хабардор қилиш .....	5
7.	Акциядорларга дивидендларни тўлиқ бўлмаган миқдорда ёки кеч тўлаганлик учун жавобгарлик .....	6
8.	Якуний қоидалар.....	6

“ЎзРТХБ” АЖнинг Дивиденд сиёсати тўғрисидаги ушбу низом (бундан буён матнда “Низом” деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг 26.04.1996 йилдаги 223-1-сон “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги (янги таҳрири 06.05.2014 й. № ЎРҚ-370-сон билан тасдиқланган) Қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, “ЎзРТХБ” АЖ Устави ва бошқа ички-меъёрий ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

## **I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1.1. Ушбу низомни қабул қилишнинг асосий мақсади дивидендлар миқдорини аниқлашнинг шаффоф ва тушунарли механизмини яратиш ва уларни тўлаш, шунингдек “ЎзРТХБ” АЖ Кузатув Кенгашининг акциядорларнинг умумий йиғилишига тавсиялар ишлаб чиқишдаги ёндашувини аниқлаш.

1.2. “ЎзРТХБ” АЖнинг дивиденд сиёсати “ЎзРТХБ” АЖ ва унинг акциядорлари ўртасида дивиденд тўловлари миқдорини аниқлашда, “ЎзРТХБ” АЖ инвестицион жозибadorлигини ошириш ва уни капитализациясида манфаатлар мувозанатига, акциядорларнинг Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида, “ЎзРТХБ” АЖ Уставида ва маҳаллий ҳужжатларда назарда тутилган ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва қатъий риоя этишга асосланади.

1.3. Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилиш (эълон қилиш) “ЎзРТХБ” АЖнинг ҳуқуқи ҳисобланади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендларни тўлаш ёки тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

1.4. Эълон қилинган дивидендларни тўлаш “ЎзРТХБ” АЖ зиммасидадир.

## **II. АКЦИЯДОРЛАРГА ДИВИДЕНДЛАР ТўЛАШНИНГ АСОСИЙ ШАРТЛАРИ**

2.1. “ЎзРТХБ” АЖ капитализациянинг ўсиши билан бирга, йил якуни бўйича олинган соф фойда суммасидан ҳамда ишлаб чиқариш ва инвестиция фаолиятини ривожлантириш эҳтиёжларидан келиб чиқиб, акциядорларга тўланадиган дивидендлар миқдорини оширишга интилади.

2.2. “ЎзРТХБ” АЖ акциядорларига дивидендлар тўлаш шартлари қуйидагича:

2.2.1. ушбу Низомнинг 2.3-бандига мувофиқ белгиланган “ЎзРТХБ” АЖнинг йиллик фаолияти натижасига кўра соф фойдасининг мавжудлиги;

2.2.2. Ўзбекистон Республикасининг 26.04.1996 йилдаги 223-1-сон “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг (янги таҳрирда) 54-моддасида назарда тутилган дивидендлар тўлаш бўйича чекловларнинг йўқлиги;

2.2.3. “ЎзРТХБ” АЖ Кузатув Кенгашининг дивидендлар миқдори бўйича тавсияси.

2.2.4. “ЎзРТХБ” АЖ акциядорлари умумий йиғилишининг дивидендлар тўлаш, дивиденд миқдори ва уни ҳар бир турдаги акциялар бўйича тўлаш тартиби тўғрисидаги қарори.

2.3. “ЎзРТХБ” АЖ дивидендларни молиявий йил тугагач аудиторлик ҳулосаси билан тасдиқланган молиявий ҳисобот асосида тўлаш ҳуқуқига эга, шунингдек оралик даврлар - 1-чорак, ярим йиллик ва/ёки 9 ой натижаларига асосан дивидендлар тўлайди. Бунда “ЎзРТХБ” АЖ фойдасини акциядорга тегишли Акциялар бўйича тақсимлашда акциядор томонидан олинган ҳар қандай даромад, шунингдек “ЎзРТХБ” АЖнинг ўз капитали (мол-мулки) ҳисобига устав фонди (устав капитали) кўпайтирилган тақдирда акциядорнинг қўшимча Акциялар қймати (улушнинг номинал қйматини кўпайтириш) шаклида олинган даромадлари дивидендлар деб эътироф этилади.

## **II. ДИВИДЕНДЛАР МИҚДОРINI АНИҚЛАШ**

3.1. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ “ЎзРТХБ” АЖ акциядорларига дивидендлар компания ихтиёрида қолган соф фойда ва (ёки) ўтган йиллар давомида жамиятда тақсимланмай қолган фойдадан тўланади.

3.2. “ЎзРТХБ” АЖ Кузатув Кенгаши Акциядорларнинг умумий йиғилишига тавсия этилган дивидендлар миқдори (1 та акция учун ҳисобланадиган) ва дивиденд тўловлари учун ажратилган “ЎзРТХБ” АЖ соф фойдасининг тегишли улушини аниқлашда дивиденд тўловлари учун ажратилган маблағлар миқдори аудиторлик ҳулосаси билан тасдиқланган молиявий ҳисобот асосида соф фойданинг 50% дан кам бўлмаслигини ҳисобга олади.

3.3. “ЎзРТХБ” АЖнинг тавсия этилган дивидендлар миқдори (1 та акция учун ҳисобланадиган) дивиденд тўловлари учун ажратилган маблағлар суммасидан келиб чиққан ҳолда ва бунда ҳисобланган йил учун соф фойданинг улуши йиғиндисига сон жиҳатдан тенг акциялар сонига бўлинган ҳолда ушбу Низомнинг 2.3-бандига мувофиқ “ЎзРТХБ” АЖ дивидендлар олиш ҳуқуқига ега акциядорлар реестрини тузиш санасигача жойлаштирилган ва муомалада бўлган акциялар бўйича аниқланади.

3.4. Дивидендлар умумий суммасининг акциялар номинал қйматига нисбати сифатида ҳисобланган дивидендлар даромадлиги соф фойданинг ўз капиталига нисбати сифатида ҳисобланган “ЎзРТХБ” АЖ устав капиталининг даромади (рентабеллиги)дан ошиб кетиши мумкин эмас.

## **IV. ДИВИДЕНДЛАР ТўЛАШ ТўҒРИСИДА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

4.1. Келгуси йил якунлари бўйича дивидендлар тўлаш имконияти тўғрисидаги масала олинган молиявий натижалар ва “ЎзРТХБ” АЖ Бошқарувининг олинган фойдани тақсимлаш тўғрисидаги таклифларидан келиб чиқиб “ЎзРТХБ” АЖ Кузатув Кенгаши томонидан олдиндан кўриб чиқилади.

4.2. “ЎзРТХБ” АЖ Кузатув Кенгаши Бошқарувнинг таклифига асосан фойда тақсимотининг асосий йўналишларини кўриб чиқади ва дивиденд тўловлари учун ажратилиши мақсадга мувофиқ бўлган фойда улушини белгилайди. Ўз қарорини қабул қилишда Кузатув Кенгаши ушбу Низомнинг 2.3-бандига амал қилади.

4.3. “ЎзРТХБ” АЖ Кузатув Кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишига тавсия этиладиган дивидендлар миқдорини белгилашда қуйидаги омилларни ҳисобга олади:

4.3.1. ишончилиги аудитор хулосаси билан тасдиқланган молиявий ҳисоботларга кўра соф фойда миқдори;

4.3.2. “ЎзРТХБ” АЖнинг кейинги ҳисобот даврига молиявий-хўжалик режалари;

4.3.3. ҳисобот даври якуни бўйича “ЎзРТХБ” АЖ айланма маблағлари таркиби;

4.3.4. “ЎзРТХБ” АЖ нинг дивиденд тарихи;

4.3.5. “ЎзРТХБ” АЖнинг ҳисобот даври якуни бўйича қарз юки;

4.3.6. дивиденд тўловларининг капитализация ўсишига таъсири.

4.4. “ЎзРТХБ” АЖ Кузатув Кенгашининг Акциядорлар умумий йиғилишига дивидендлар миқдори бўйича тавсия этиш учун қарор қабул қилиш вақтидаги қворуми “ЎзРТХБ” АЖ Кузатув Кенгашининг сайланган аъзолари сонидан камида 75% ни ташкил этиши керак.

4.5. “ЎзРТХБ” АЖ Кузатув Кенгашининг дивидендлар миқдори тўғрисидаги тавсияси амалдаги қонунчиликка мувофиқ акциядорлар йиғилишида якуний қарор қабул қилишлари учун акциядорларга тақдим этилади.

4.6. Дивидендлар ва уларнинг миқдорини аниқлаш ва тўлаш тўғрисидаги қарор Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

Дивидендлар миқдори “ЎзРТХБ” АЖ Кузатув Кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан ошиб кетиши мумкин эмас. Акциядорларнинг умумий йиғилиши акцияларнинг айрим турлари бўйича дивидендларни тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

4.7. Дивидендлар акциядорлардан ушлаб қолинадиган солиқларни ҳисобга олмаган ҳолда эълон қилинади.

## **V. ДИВИДЕНДЛАРНИ ТўЛАШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТИ**

5.1. “ЎзРТХБ” АЖ Кузатув Кенгаши акциядорларга дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинадиган Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри тузиладиган санани аниқлайди.

5.2. Дивидендлар олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар рўйхати дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинадиган Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши учун Ўзбекистон Республикаси Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан шакллантирилган акциядорлар реестри ёпиладиган санага тузилади.

5.3. Дивидендлар акциядорларга амалдаги қонун ҳужжатларида ва акциядорлар умумий йиғилишининг тегишли қарорида белгиланган муддатларда тўланади ва бу муддат қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кечиктирилиши мумкин эмас.

5.4. “ЎзРТХБ” АЖ ва унинг ижроия органи акциядорларга дивидендларни ўз вақтида ва тўлиқ тўлашни таъминлайди.

5.5. Дивидендларни тўлашда акциядорларнинг ҳеч бири тўлов муддатлари бўйича имтиёзларга эга эмас.

5.6. Дивидендлар пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёки жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланади.

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисобланган дивидендлар “ЎзРТХБ” АЖ устав фондини (устав капиталини) ошириш учун йўналтирилиши мумкин.

5.7. Эълон қилинган дивидендлар Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида тўланади ёки акциядор - Ўзбекистон Республикаси норезиденти ёзма талабига кўра, унга ҳисобланган дивидендлар “ЎзРТХБ” АЖ томонидан эркин алмаштириладиган валютага айлантирилиши шарт.

5.8. Юридик шахслар учун дивидендлар тўлаш – “ЎзРТХБ” АЖ акциядорларига дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинадиган Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиш санаси учун тузилган акциядорларнинг реестрида кўрсатилган банк ҳисобварағига “ЎзРТХБ” АЖ банк ҳисобварағидан тегишли пул суммаларини ўтказиш бўлиб ҳисобланади.

5.9. Акциядор ўз маълумотларидаги ўзгаришлар ҳақида ўз вақтида акциялари ҳуқуқлари ҳисобини юритиш хизматини кўрсатувчи инвестиция воситачисини ва/ёки Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсини хабардор қилиши шарт.

5.10. Жисмоний шахслар учун дивидендлар тўлаш - акциядорнинг ёзма аризасига ва банк билан тегишли шартномага мувофиқ “ЎзРТХБ” АЖнинг банкдаги ҳисобварағидан жисмоний шахсларнинг банкдаги омонат ҳисобварақларига ёки пластик карталарига тегишли пул суммаларини ўтказиш бўлиб ҳисобланади.

5.11. Дивидендлар тўлаш жараёни “ЎзРТХБ” АЖ бухгалтерияси орқали амалга оширилади.

5.12. Тўланадиган дивидендларни солиққа тортиш солиқ қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади ва унга имтиёзлар белгиланиши мумкин.

5.13. Дивиденд тўлаш санаси “ЎзРТХБ” АЖ Акциядорларининг умумий йиғилиши қарори билан белгиланади, ва ушбу муддат Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб 60 кундан ошмаслиги керак.

5.14. Агар “ЎзРТХБ” АЖ қимматли қоғозлар эгалари ҳисобланган дивидендларни Акциядорларининг умумий йиғилишида белгиланган муддатларда олмаган бўлсалар, “ЎзРТХБ” АЖ бундай (талаб қилинмаган) дивидендлар бўйича тўловларни давом эттиради.

5.15. Акциядорлик жамияти тузилган шартномага мувофиқ Марказий депозитарий ва (ёки) инвестиция воситачилари орқали дивидендлар тўловини амалга ошириш ҳуқуқига эга.

5.16. Уч йил ичида мулкдор ёки унинг ҳуқуқий вориси ёки меросхўри томонидан даъво қилинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан жамият ихтиёрида қолади.

## **VI. ДИВИДЕНД СИЁСАТИ ҲАҚИДА АКЦИЯДОРЛАРНИ ХАБАРДОР ҚИЛИШ**

6.1. “ЎзРТХБ” АЖ дивиденд сиёсати тўғрисидаги ушбу Низомни ва унга киритилган ўзгартиришларни “ЎзРТХБ” АЖнинг [www.uzex.uz](http://www.uzex.uz) веб-сайтида эълон қилади.

6.2. Акциядорларга Акциядорларнинг умумий йиғилишида қарор қабул қилиш учун тақдим этилган материалларда дивидендлар тўлаш учун зарур шарт-шароитлар мавжудлиги ёки мавж эмаслиги тўғрисида барча зарур маълумотлар ўз ичига олинган бўлиши керак.

6.3. Акциядорларнинг умумий йиғилиши дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилганда, “ЎзРТХБ” АЖ муҳим фактлар тўғрисидаги акциядорларга дивидендлар тўлашни бир маъноли ва аниқ қилиб кўрсатилган маълумотни хабарнома шаклида қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ошқор қилади.

“ЎзРТХБ” АЖ дивидендларнинг улардан солиқлар ҳисобланмаган миқдорини эълон қилади.

6.4. Дивидендларни тўлаш тартиби (вақти, жойи, миқдори, усули ва бошқалар) ҳақидаги маълумотлар шунингдек, “ЎзРТХБ” АЖнинг [www.uzex.uz](http://www.uzex.uz) веб-сайтида эълон қилинади.

## **VII. АКЦИЯДОРЛАРГА ДИВИДЕНДЛАРНИ ТЎЛИҚ БЎЛМАГАН МИҚДОРДА ЁКИ КЕЧ ТЎЛАГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК**

7.1. “ЎзРТХБ” АЖ ҳар бир турдаги акциялар бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

7.2. Ижроия органи – “ЎзРТХБ” АЖ бошқаруви “ЎзРТХБ” АЖ акциядорларига дивидендларни тўлиқ ва ўз вақтида тўлашда жавобгар ҳисобланади.

Акциядорларга дивидендларни тўлиқ ва ўз вақтида тўлаш бўйича ижро органининг ҳаракатлари устидан назорат “ЎзРТХБ” АЖ тафтиш комиссияси ҳамда ички аудит хизмати томонидан амалга оширилади.

7.3. Марказий рўйхатдан ўтказувчи вазифасини бажарувчи Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийсига банк реквизитлари, почта манзиллари ва бошқа реквизитлардаги ўзгаришлар ҳақида ўз вақтида хабардор қилган акциядорларга дивидендлар тўлиқ миқдорда ва ўз вақтида тўланмаган ҳолатларда бевосита масъул бўлган мансабдор шахслар амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар ҳисобланадилар.

## **VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

8.1. Мазкур низом, шунингдек унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан тасдиқланади.

8.2. Мазкур Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар Кузатув Кенгаши аъзолари, Тафтиш комиссияси, Ички аудит хизмати, “ЎзРТХБ” АЖ ижроия органи раҳбари таклифи билан киритилади.

8.3. Ушбу Низомнинг айрим моддалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва/ёки “ЎзРТХБ” АЖ Уставига зид келиб қолса, ушбу моддалар ўз кучини йўқотади ва бу моддалар билан тартибга солинадиган масалалар бўйича ушбу Низомга тегишли ўзгартиришлар киритилгунга қадар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги нормаларига ва/ёки “ЎзРТХБ” АЖ Уставига амал қилинади.